2009 йил 15 сентябрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 184 (11.495)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Қўшма корхоналарда

## БУЮРТМАЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

**Юксак унумли замонавий технологик ускуналар ва илғор технологиялардан самарали фойдаланиш натижасида шаҳримиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган харидорбоп маҳсулотлар турлари ортмоқда, ички ҳамда ташқи бозорда ўз ўрнини топмоқда.**

Буюк британиялик ҳамкорлар билан шерикликда фаолият юритаётган «ELIT POLIMER» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасида ҳам импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланмоқдаки, уларни ишлаб чиқаришда Туркиянинг «Микросан» фирмаси технологик линиялари қўл келмоқда. Бу ерда «MIROB THERM» савдо белгиси остида маҳсулотлар тайёрлашда юқори сифатли хом ашёдан фойдаланилаётганлиги уларнинг рақобатбардошлигини ошириб, буюртмачилар сафи кенгайишига муҳим ҳисса бўлмоқда.

Айни пайтда корхонада иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик ҳамда канализация тармоқларида зарур бўлган полипропилен қувур, фитинг, ПВХдан сантехника маҳсулотлари тайёрланмоқда. Корхона директори Дилшод Хўжахоновнинг таъкидлашича, мазкур сифатли товарларга буюртмачилар кўпайиб бораётганлиги тадбиркорларнинг масъулиятини оширмоқда. Цехларга ўрнатилган юқори унумли жиҳозларнинг қуввати эса ойига 300 тонна хом ашёни қайта ишлаб, маҳсулот тайёрлаш имконини бермоқда. Яна шуни таъкидлаш лозимки, корхонада ISO 9001 Халқаро сифат менежменти тизими жорий этилмоқда. Шунингдек, келтирилган хом ашё ва тайёрланган маҳсулот сифатини таъминлаш учун лаборатория назорат тизими фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мазкур жамоада 50 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, улар учун барча шарт-шароитлар яратиб беріляпти. Шунингдек, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига янги иш жойлари очиш ҳам кўзда тутилмоқда. Бунинг учун эса Россиядан янги технологик линия келтирилиб, цехларни жиҳозлашга эришилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган корхона қувурлари қатор афзалликларга эга. Яъни улар аввало ўрнатишга қулай, занглмайди, ичида қурумларни тўпламайди, чиримайди. Яна бир қулайлик томони хусусида айтадиган бўлсак, 50 йиллик кафолат муддатига эга бўлган мазкур қувурлар буюртмачи талабидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар томонидан ўрнатиб ҳам берилади. Бу борада «ELIT POLIMER» тадбиркорлари «Аква» термопласт» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Маҳсулот турларини кўпайтириб, сифатини халқаро талаблар даражасида таъминлашга интилаётган тадбиркорлар ташқи бозорга чиқишни, ўз қувурларини экспорт қилиб, иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшишни ният қилишмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: корхонада замонавий технологик линиялар қувватидан унумли фойдаланилади.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

---

**Ўзбекистонда мамлакат мустақиллигининг 18 йиллик байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган байрам тантаналари хорижий сиёсий, ижтимоий, ишбилармон, эксперт-таҳлилий доираларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши давом этмоқда.**

### НИКОС БАРДУНИАС:

## «ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР БИРИНЧИ ГАЛДА ХАЛҚ ВА МАМЛАКАТ МАНФААТИ ЭЪТИБОРГА ОЛИНГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ»

Итальян тилидаги **«BBC Monitoring Central Asia»** ахборот агентлигининг ёзишича, Ўзбекистон ҳукуматининг Инқирозга қарши чоралар дастури жиддий натижаларга эришиш имконини берди. Таъкидланадики, Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли республика глобал молиявий инқироздан салбий оқибатларсиз чиқиб кетиши борасида мамлакат раҳбарияти саъй-ҳаракатларининг ҳаққоний ва тўғри эканини исботлади. Агентликнинг фикрича, 2009 йилнинг биринчи ярми якунига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизга, маҳсулотларнинг экспорти 13,4 фоизга ошди ҳамда 500 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, аҳолининг реал пул даромади 25,9 фоизга кўпайди.

Агентлик Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг минтақада ва умуман дунёда содир бўлаётган жараёнлар олдида ўз масъулиятини англайдиган ўзбек халқи эркин ва мустақил миллат ҳисобланиши ҳақидаги сўзларини келтиради. “Ўзбекистон охирги йилларда мураккаб ва қийин йўлларни босиб ўтди, лекин ушбу мураккаб тажриба Ўзбекистон халқини янада довюрак ва иродали бўлиши учун чиниқтирди”, дея таъкидланади.

Италиянинг таниқли **«Il Nuovo»** ахборот-таҳлилий сайти Ўзбекистон Президентининг ҳукуматнинг глобал молиявий инқироз оқибатларини енгиллаштириш ва уни бартараф этиш чоралари тўғрисидаги дастури ҳақидаги сўзларини эълон қилар экан, ижобий натижаларга, жумладан, мамлакат раҳбариятининг жаҳон тажрибасини оқилоналик билан қўллаши ва ўз изчил иқтисодий сиёсати натижасида эришилганини таъкидлайди.

**Россиянинг “REGNUM Новости” ахборот агентлиги**нинг хабар беришича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрамига бағишланган тантанали йиғилишида қилган нутқида “Биз ҳозирги вақтда нафақат инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш устида бош қотиряпмиз, шу билан бирга, инқироз тугагандан кейин Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича жиддий иш олиб бормоқдамиз”, дея таъкидлади.

*(Давоми 2-бетда).*

---

## ТОШКЕНТНИНГ НУФУЗИ ТОБОРА ОШАЁТИР

**Юртимизда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган тадбирлар давом этмоқда. Бош кентимизнинг таровати, муҳташам иншоотлари, гўзал табиати ва сўлим боғлари ҳар қандай кишини мафтун этади. Пойтахтимиз кўчаларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. ЎзА мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.**

**Авикар КАДАМ (Ҳиндистон):**

– Мамлакатингизга ҳар келганимда буюк ўзгаришлар гувоҳи бўламан. Тошкент – ўз меъморий обидалари, алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст халқи билан дунёни ҳамиша ҳайратга солиб келган.

Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи зўр тантаналар билан нишонланганига гувоҳ бўлдим. Шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари таҳсинга сазовор. Айниқса, Тошкент марказида қад ростлаган “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи менда катта таассурот уйғотди. У пойтахтингиз чиройига чирой, салобатига салобат қўшиб турибди.

**Чжао ЦЗЯНХАЙ (Хитой):**

– Ўзбекистонга биринчи келишим. Тасаввуримдаги билан ҳақиқий Тошкент орасида улкан фарқ бор экан.

Саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда. Самарқанд, Хива ва Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўрдим. Гўё хаёлот дунёсига сайр қилгандек бўляпман.

Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, бағрикенглиги мени ҳайратга солди. Юртингизда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечираётганини кўриб ҳавасим келди.

**Мария РАНА хоним (Испания):**

– Тошкентга келишим билан қалбимга байрам шукуҳи инди. Ҳар қадамда байрам нафаси уфуриб турибди.

“Шарқ дарвозаси” деб ном олган Тошкентдаги муҳташам иншоотлар, осмонўпар бинолар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳияти, тафаккур қудрати, истеъдод ва маҳоратининг намоёнидир. Бу жаннатмонанд шаҳарга яна келиш ниятидаман.

Ўзбекларга хос гўзал фазилатлар – аҳиллик, меҳр-оқибат ҳамда ажойиб урф-одатлар, миллий анъаналардан дунё аҳли ўрнак олса арзийди.

**Эркин ТАЙФУР (Туркия):**

– Саёҳатим қўшалоқ байрам – Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи нишонланган кунларга тўғри келганидан жуда хурсанд бўлдим. Шарқнинг маърифат бешикларидан бири сифатида довруқ қозонган пойтахтингизнинг дунё миқёсидаги нуфузи ва обрў-эътибори ошиб бораётир. Ўзбекистоннинг асрлар мобайнида сайқал топган қадим анъана ва урф-одатлари биз учун жуда қадрли.

Бугунги Тошкент сайёҳлар назарида энг хушманзара шаҳарлардан бири саналади. Бу ерда қатор замонавий меҳмонхоналар, юқори сифатли хизмат кўрсатувчи ресторан ва қаҳвахоналар, музей ва галереялар ҳамда бошқа кўплаб дам олиш масканларини учратиш мумкин. Юртингизда сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ олиши учун барча шароит мавжуд.

**Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.**

---

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Биз — мустақиллик тенгдошимиз» деб номланди.

✓ **БУГУН** Мирobod туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида «Ҳунарли хор бўлмас» мавзуида ўтказилган очиқ дарс тадбирида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирок этишди.

✓ **ШАҲРИМИЗДА** аҳолининг экологик билимини оширишда қишлоқ врачлик пунктининг роли масаласига бағишлаб Ўзбекистон экологик ҳаракати ташаббуси билан тадбир уюштирилди.

✓ **ШАҲРИМИЗДАГИ** 161-мактабда «Иқтидорли ёшлар — келажагимиз таянчи» мавзуида ўтказилган адабий-бадиий мусиқали композицияда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок этишди.

---

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 сентябрь куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котибини, МАТТ Ижроия қўмитаси директори ва Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши мажлиси иштирокчиларини қабул қилди.**
- **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**
- **Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилишида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тасарруфидаги таълим муассасаларидаги ижроси муҳокама этилди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**
- **Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида бир ҳафта давом этган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси якунланди.**
- **Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан Миллий демократия институти (АҚШ) ва ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда «Фуқаролик жамияти институтлари ва ҳокимият вакиллик органларига сайловлар» мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.**
- **Қувасойдаги «Фарводий Агросервис» фирмаси хориждан келтирилган 120 минг АҚШ долларилик замонавий технологик линиялар билан жиҳозланиб, янги маҳсулот — қўзиқорин етиштириш йўлга қўйилди. Жорий йил охиригача 16 тонна парҳез маҳсулоти тайёрлаш режалаштирилган.**
- **Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида «Мингбулоққурилишсавдо» ва «Жомашуйқурилишсавдо» корхоналари иш бошлади. Мазкур корхоналарда 50 та янги иш ўринлари яратилди.**

### ЖАҲОНДА

- **Жаҳон автомобиль бозорида ном қозонган компаниялардан бири «Opel» ўзининг шиори ва рамзини ўзгартирди. Компания бундан кейин «Биз автомобиллар билан яшаймиз» шиори остида фаолият юритади. Компания мазкур ўзгаришларни яқин кунларда Франкфурт шаҳрида бўлиб ўтадиган махсус тадбирда намойиш этишни режалаштирган.**
- **Италияда мамлакатнинг энг хавфли ўттиз жиноятчиси рўйхатида турадиган Кармело Барбаро исмли жиноятчи ҳибсга олинди. 61 ёшли қонунбузар Калибрия жиноий гуруҳи аъзоси ҳисобланиб, ёлланма қотиллик билан шуғулланиб келган.**
- **Мьянма қўриқхоналаридан бирида қарийб бир аср муқаддам йўқ бўлиб кетган аракана тошбақалари топилган. Бу ерда изланишлар олиб бораётган тадқиқот гуруҳи аъзолари аракана тошбақаларининг бештасини бамбук чакалакзорлари орасидан топишган.**
- **Германиянинг Саксония Федерал ерида йўловчи поездлари бир-бири билан тўқнашиб кетди. Фалокат оқибатида 52 киши оғир тан жароҳати олган. Шунингдек, ҳар икки поезд вагонлари ва локомотиви жиддий шикастланган.**
- **«The Evening Standard» нашрида ёзилишича, АҚШнинг Цинциннати шаҳрида 100 метр масофага югуриш бўйича ҳайвонлар ўртасида янги жаҳон рекорди ўрнатилди. Мазкур антиқа беллашувда гепард 100 метрлик масофани 6,13 сонияда босиб ўтиб энг юқори кўрсаткичга эришди.**
- **БМТ манбаларига асосланиб «Sapa» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Ғарбий Африкада умумий ҳисобда 600 мингдан ортиқ киши сув тошқинидан жабр кўрган. Фақатгина Сенегалнинг ўзида 260 минг киши бошпанасидан айрилган.**
- **Электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур «Dell» компаниясининг янги турдаги «Adamo XPS» деб номланган ноутбук компьютери кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Мазкур ноутбукнинг қалинлиги бор йўғи 9,99 миллиметрни ташкил этиб, бу шу кунгача дунёда ишлаб чиқарилган ушбу турдаги маҳсулотнинг энг юпқаси ҳисобланади.**

Аёл борки, олам мунаввар

# ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

## Нишондорларимиз

# МЕҲНАТНИНГ РОҲАТИ

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, серқирра ижоди, илмий фаолияти ва ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибори, кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир қанча юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар.**

Улар орасида В. Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи директори, педагогика фанлари номзоди, Дилдора Жамолова ҳам «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» деган юксак унвон олишга сазовор бўлди.

Дилдора Жамолова 1989 йилдан бошлаб Ўзбекистон Давлат консерваториясида талабаларга сабоқ бериш билан бирга, мазкур махсус мусиқа академик лицейида ҳам ишлаб келмоқда. Ўқувчиларнинг санъатини дунёга танитишда ўзининг самарали ҳиссасини қўшиб ёшларга сабоқ бериш билан бирга раҳбарлик фаолиятини ҳам талабчанлик билан олиб бормоқда.

У ўз фаолияти давомида иқтидорли ўқувчилари билан биргаликда 1997 йилда Литвада бўлиб ўтган Халқаро пианино танловига олиб боришда гуруҳ раҳбари ва жонкуяр ўқитувчи сифатида ҳамроҳлик қилди. Шунингдек, 2000-2001 йилларда Грецияда, 2002 йилда Францияда, 2003 йилда Испанияда, 2004 йилда Японияда, 2004-2005 йилларда Литвада бўлиб ўтган Халқаро пианиночилар кўрик-танловларида ҳам раҳбар ва ўқитувчи сифатида ҳамроҳлик қилиб, ўқувчиларнинг Гран при ва фахрли ўринларни олиб келишига алоҳида ҳисса қўшди.

Жумладан, 2005 йил Москвада бўлиб ўтган мастер класс иштирокчиси, 2006 йил Америка давлатида Халқаро ўқитувчилар конференцияси ва мастер класс иштирокчиси сифатида ҳам малакаси ва тажрибасини ошириб келди.

Дилдора опа нафақат лицей жамоасидаги ишларда, балки республикамиз миқёсидаги тадбирларда ҳам ўзининг ташаббускорлиги билан иштирок этиб ёшлар иқтидорини янада шакллантириш ва ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

2004 йилда, «Янги авлод» Республика болалар фестивали котиби, шунингдек «Янги авлод — 2005», «Янги авлод — 2006-2007-2008» Республика болалар фестивалларида ҳайъат раиси, «Келажак-2006» Республика танловида ҳайъат аъзоси сифатида ҳам иш олиб борди. Унинг мамлакатимиздаги истеъдодли болаларнинг иқтидорини янада ривожлантириш, шакллантириш ва рағбатлантириш ишларидаги фаолияти алоҳида таҳсинга сазовордир.

Дилдора Жамолова бугунги кундаги меҳнат фаолияти давомида ўзини моҳир мусиқачи ва талабчан раҳбар сифатида кўрсатиб, ёшларнинг санъатини дунё саҳналарига олиб чиқишида ва танитишда, мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, болалар мусиқа санъати мактаблари фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб бормоқда.

Опанинг Ж.Саидкаримов, М.Сайфиддинов, Н.Дадамуҳамедова, А.Ким, Е.Кан, З.Агаева каби кўплаб ўқувчилари Буюк Британия, Германия, Руминия, Россия, Украина каби давлатларда ўтган ёш ижрочилар Халқаро кўрик-танловлари, фестивалларида олий мукофотларга сазовор бўлдилар. Шунингдек, ўқувчиларидан Б.Абдураимов 2008-2009 йилларда Даллас, Техас, Корпус Кристи, Лондон каби йирик шаҳарларда ўтказилган Халқаро пианиночилар танловларида фахрли биринчи ўринни эгаллаганлиги жуда қувонарлидир.

Жорий йилнинг апрель ойида, Швеция ва Австрия давлатларида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Тошкент кеча ва бугун» тадбирларида эса Дилдора опа «Янги авлод болалар ижодиёти» гуруҳи билан фаол иштирок этди. Унинг раҳбарлиги остидаги «Ўсмирлар симфоник оркестри» яқиндагина бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» фестивалида ҳам муваффақиятли қатнашди. У 100 дан ортиқ концерт дастурларининг ташкилотчиси, режиссёри, сценарий муаллифи, сухандони, жўрнавози, ташкилий қўмита ишчи гуруҳ аъзоси ва ҳайъат раиси, асосийси эса ёшларнинг севимли устоз ўқитувчиси, ўзи бошчилик қилаётган мусиқа даргоҳининг билимдон, изланувчан ва талабчан, меҳрибон раҳбаридир.

Дилдора Жамолова ўзининг шарафли ва машаққатли меҳнатлари эвазига Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Россия, Украина, Польша элчихоналари томонидан бир қанча фахрий ёрлиқ ва «Тасанно» сертификати билан тақдирланди. 2006 йилда «Ўзбекистон маданияти ва санъат Фонд» Форуми жамғармаси томонидан ўтказилган Педагогик Гранти ғолиби, 2007 йилда эса кўрсатган хизматлари учун ҳукуматимиз томонидан «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

— Инсон бу кўҳна оламда яшар экан аввало эзгулик сари интилади, яхшиликка ошно бўлишга ҳаракат қилади, дунё неъматларини ўз ички оламининг энг гўзал ва покиза қатламларида ҳис қилиб яшашга интилади. Мен нимагаки эришаётган бўлсам бу меҳнатим, яқинларимнинг кўмаги, педагогик жамоамнинг ва ўқувчиларимнинг ишончи эвазигадир. Бугунги кунда болажонларнинг қўлга киритаётган ютуқлари билан қувонаман. Давлатимиз томонидан берилган бундай юксак мукофот — «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони ўзимга бўлган ишончимни янада мустаҳкамлади. Ўзим шу юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Мукофот менга янада куч ва шижоат бағишламоқда.

Дарҳақиқат, меҳнатнинг қадри ҳамиша юксакдир. Биз мақоламизни мухтасар қилар эканмиз жамиятимизда шундай фидойи, заҳматкаш, иқтидорли аёлларимизнинг борлигига шукроналар айтамиз. Бинобарин, аёл жамиятнинг таянч нуқтаси, ҳаётнинг гўзал шамчироғидир. Улар билан олам гўзал, умр эса янада нурафшондир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**





**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Дилдора Жамолова иқтидорли ўқувчилари билан**

## Тиббиёт масканларида

# БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

**Инсон танасида кечаю кундуз оқиб турувчи қоннинг қимматини дунёда ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Қон чиндан ҳам жон каби азиз неъматдир.**

Қон ва унинг таркибий қисмлари бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун муҳим восита бўлиб, кўпгина касалликларда ишлатилади. Айниқса, экстремал (фавқулодда) ҳолатларда, яъни жарроҳлик операцияларида, табиий офатлар натижасида юз берган шикастланишларда оғир даражали камқонлик, оққон, саратон каби касалликларда қон ва ундан тайёрланадиган препаратлар ниҳоятда зарурдир.

Кейинги йилларда тиббиётда қон билан даволаш, қон қуйиш, қон компонент ва препаратларини тайёрлаш масалалари устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Ана шу вазифаларни адо этиш қон хизматининг зиммасига юкланган. Қон хизматини амалга ошириш эса донорларга, беғараз донорликни ривожлантиришга боғлиқ бўлиб, мамлакатимизда ушбу жараённи ҳаётга татбиқ этишда маълум ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, турли Қарор ва дастурлар қабул қилинмоқда. Республика ҳукуматининг 2008 йил 31 мартда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида бадалсиз донорлик фаолиятини ривожлантириш Дастури» ҳам шулар жумласидандир.

Тошкент шаҳрида қон хизматини ташкил этиш, беғараз донорликни ривожлантириш ҳолати, мавжуд муаммолар хусусида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш корхонасининг раҳбари Зуҳрахон Убайдуллаева билан суҳбатлашдик.

**— Ҳозирги кунда қон, қон қуйиб даволаш, беморларга фавқулодда ҳодисалардан кейин қон ва унинг маҳсулотлари кўп керак бўлаётганлиги масаласи долзарб муаммолардан бирига айланган. Умуман қонни даволовчи восита сифатида ишлатиш тарихига бир назар ташласак.**

— Дарҳақиқат, ҳозир кўтарилган масалалар кун тартибида энг устувор бўлиб турибди. Тиббиёт тарихидан маълумки, қонни даволовчи восита сифатида ишлатиш кишилик тарихининг энг қадимги вақтларига бориб тақалади. Қонни гуруҳларга бўлиб ўрганиш эса тиббиёт оламида XX асрда пайдо бўлган эди. Жумладан, аср бошида веналик бактериолог олим, Нобель мукофоти соҳиби Ландштейнер қоннинг учта гуруҳини аниқлаган бўлса, ундан салкам ўн йил кейин Ян Янский қоннинг тўртинчи гуруҳини топган. Бу мазкур соҳадаги энг катта кашфиётлардан эди.

**— Кейинги пайтларда матбуотда ҳам, халқ ўртасида ҳам, умуман тиббиёт ходимларидан ҳам «Қон хизмати» деган атамани тез-тез учратиб турибмиз. Хўш, қон хизматининг ўзи нима ва у кимлар томонидан адо этилади?**

— Қон хизмати деганда давлат соғлиқни сақлаш тизимида донор қони ва унинг компонентларини йиғувчи, тайёрловчи, қайта ишловчи ва сақлаш тиббиёт муассасаларининг бирикмасига айтилади. Қон хизмати донор қонини йиғиш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, аҳолини ихтиёрий равишда қон ва унинг компонентларини топширишга жалб қилиш, донор қони ва унинг компонентлари, шунингдек, донор қони препаратларидан фойдаланишда хавфсизлик шароитларини таъминлаш, донор қони препаратларини ташиш, донор қони ҳақидаги маълумотлар банкини тузиш ва янгилаб бориш орқали амалга оширилди. Бу муассасалар пойтахтда трансфузия хизматини амалга оширади. Қон ва унинг препаратларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонун билан белгилаб қўйилган. 2002 йилнинг 30 августида қабул қилинган ушбу Қонуннинг мақсади фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, у қон ва унинг таркибий қисмлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда асос бўлиб келмоқда. Мазкур қонун донорликни ташкил қилишда маҳаллий ҳукумат вакилларининг, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг фаоллигини кучайтиришга йўналтирилган бўлиб, бу жараёнда уларнинг жавобгарлигини оширади.

**— Суҳбатимиз қон хизмати, донорлик, Республика ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикасида бадалсиз донорлик фаолиятини ривожлантириш Дастури»да белгиланган вазифаларни адо этиш ҳақида экан, ўзингиз раҳбарлик қилаётган корхонанинг фаолиятига ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш корхонаси пойтахт аҳолисига қон хизмати кўрсатувчи бош муассаса ҳисобланади.

Корхонада республикамизда ягона бўлган қон препаратларини ишлаб чиқариш хизмати фаолият кўрсатиб келмоқда. Корхонамизда альбумин, иммуноглобулин, кўк йиринг таёқчасига қарши одам иммуноглобулини, глюнат ёки Филатов зардоби каби инсон ҳаёти ва фаолияти учун ўта зарур бўлган бир неча хил препаратлар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларнинг бари сертификатланган ва ишлаб чиқариш лицензияларига эга.

**— Шу ўринда донорлик хизматини амалга оширишнинг ҳолати ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Қон ва унинг препаратларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги» тўғрисидаги қонун билан белгилаб қўйилган. Унга кўра донор ўз қони ва унинг таркибий қисмларини тиббиёт учун ихтиёрий равишда берувчи киши ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, донорлик халқимиз феъл-атворига хос ва мос хислатдир. Инсонларга қўлдан келганча яхшилик қилиш, меҳр-саховат каби фазилатлар азалдан юртдошларимизга қон билан кирган.

Қон ва ундан олинадиган препаратларни тайёрлаш учун сунъий манба йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги пайтда донорларнинг, айниқса, бадалсиз қон топширувчилар сонини кўпайтириш фуқароларимиз эътиборида бўлмоғи лозим. Ҳозирги даврда бадалсиз қон топширувчиларнинг сони қанча кўп бўлса, қон ва унинг препаратлари ҳам етарли даражада бўлади. Бу эса минглаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам беради.

**— Зуҳрахон Ибрагимовна, сир эмас, кўпчилик қон топшириш инсон ҳаёти учун зарарли деб ҳисоблайди...**

— Қон топшириш, яъни донорлик қон берувчининг ҳаёти учун зарар, деган хавотирга сира асос йўқ. Соғлом одам танасидаги 5-5,5литр қоннинг 4-8 фоизи ёки 200-400 миллиграммини топшириш киши соғлиғи учун умуман безарардир. Организм йўқотган қонни тўқималардан суюқлик заҳиралари ҳисобига тўлдиради. Қон топшириш жараёни тиббий ходимлар томонидан маълум қоидалар асосида амалга оширилади ва бу донор саломатлигига ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Соғлом киши учун вақти-вақти билан қон топшириб туриш фойдали бўлиб, баъзи касалликларнинг (хафақон, бош оғриғи) олдини олади. Умуман олганда қон топшириб туриш саломатлик учун ҳам фойдалидир. Чунки, одам қони янгиланиб туради.

Суҳбатимиз охирида барча соғлом кишиларни савобли иш — беғараз донорликка бош қўшишга чақираман.

**Суҳбатдош Шавкат ЁҚУБОВ,**
**«Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш корхонаси матбуот хизмати раҳбари**

## Туманларда

# ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

**Чилонзор тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбир туман миқёсидаги олий ўқув юрти, коллеж, академик лицей ҳамда мактабларда иқтидорли ва истеъдодли қизларни саралаш, уларнинг иқтидорини янада шакллантириш ва рағбатлантириб бориш масалаларига бағишланди.**

Унда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова сўзга чиқиб, иқтидорли қизлар ижодини шакллантиришда ўқув муассасасидаги маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбарларнинг ва хотин-қизлар қўмиталарининг фаолияти, олиб борилиши керак бўлган долзарб масалалар, ўтказилиши лозим бўлган тадбирлар, асосийси эса, иқтидорли соҳибалар ижодига яратиб берилаётган шарт-шароитлар хусусида гапирди.

# САРИШТАЛИ ФАРИШТАЛАР

**Учтепа тумани «Кўркамобод» маҳалласида бўлиб ўтган давра суҳбати «Сариштали фаришталар» деб номланди.**

Унда маҳалла фаоллари, маҳалланинг нуроний онахонлари, оила бекалари ва ўсмир қизлари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида камолга етаётган ўсмир қизларимизни ҳаётга тайёрлаш, уларнинг бўлғуси бекалик вазифалари, қизларга хос саранжом-сариштаилик, пазандалик ва чеварлик маҳоратлари, кийиниш, сўзлашиш маданияти ҳақида гапирилиб, асосийси эса ўзбекона ҳаё, ибо, одоб ва ахлоқ борасида қизғин фикрлар билдирилди, мулоҳазали мунозаралар олиб борилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Анжуманлар

# АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

**Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида «Аёл ва жамият» мавзусида илмий-амалий, маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Унда бугунги кун зиёли аёлининг жамиятимизда олиб бораётган ҳар соҳадаги хизматлари, оила даврасидаги ўрни, фарзандлар тарбияси ва маҳалладаги фаолликлари ҳақида сўз борди.**

— Аёл жамиятнинг гултожи, умрнинг мазмуни, оиланинг сариштали бекаси, фарзандларнинг меҳрибон сирдош онаси ҳисобланади. Табиат уларни оламнинг энг нозик, энг гўзал, сабру қаноатда бетимсол, меҳру муҳаббатда беқиёс, айни вақтда меҳнаткаш, жафокаш, меҳрибон ва мушфиқ хилқат қилиб яратганки, таърифига ҳар қандай сўз камлик қилади,— дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси кутубхона ишлари бўйича директори ўринбосари Муқаддас Ҳасанова ўз сўзида. — Бугунги давр аёли ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Чунки улар мамлакатимиз равнақи ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида, маданият, маърифат, сиёсат, ҳуқуқ, бунёдкорлик каби жабҳаларда фаол хизмат қилмоқдалар. Мустақиллик шарофати боис уларга ўз устиларида ишлаш, изланиш, яратиш борасида ҳам давлатимиз томонидан жуда кўплаб шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиб берилди. Бугун ўзбек аёли дунё саҳнасидан туриб ўз билимини, теран тафаккурини, иқтидори ва истеъдодини тўлиқ намоён қилмоқда. Ушбу анжуманда, наинки замонамиз аёлларининг ишбилармонлиги, изланувчанлиги, бунёдкорлиги, балки ўз ибоси, ҳаёси, оқилалиги-ю, солиҳалиги билан ажралиб турувчи уларнинг яшаш шароитлари, турмуш тарзи ва оиладаги муқаддас ўрни, фарзандлар тарбиясидаги вазифалари хусусига ҳам тўхталиб ўтамиз.

Шунингдек анжуманда, мазкур кутубхонанинг 50 дан зиёд китобларига кўрсаткичлар тузган, бош библиограф Сора Жўраева, кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходимларидан Гулнора Нишонова, Муҳайё Музаффарова, ёш иқтидорли ходимлардан Ҳилола Холматовалар ҳам сўзга чиқиб, ўзбек аёлининг дунё миқёсида олиб бораётган самарали ишлари, мақтовга сазовор изланишлари фан, маданият, санъат соҳасидаги қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида ва шунинг баробарида айрим хотин-қизларнинг жамият негизига етказаётган зарарлари, менталитетимизга мос тушмайдиган хатти-ҳаракатлари, кийиниш, сўзлашиш ва ўзини тутиш маданиятига мос келмайдиган жиҳатлари хусусида мушоҳадали ва мунозарали фикрларни билдирдилар.

Жумладан, тадбирда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Абдухалил Маврулов, касбий таълим факультети декани Собир Жўраев ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси директори Шарофиддин Нуридинов мавзу доирасида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдириб бордилар.

Тадбир доирасида Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил қилинган китоблар кўргазмаси ҳам намойиш қилинди. Сўнгра Ахборот-ресурс маркази бўлими ходимлари томонидан китоблар ва кутубхона фаолияти ҳақида берилган қизиқарли ҳамда тўлиқ маълумотлар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**Гулнигор САТТОРОВА**

## Дастурхонингизга

# ОЛХЎРИ ДЎЛМА

**Куз — айни пишиқчилик фасли. Ҳар бир бека ўз оиласи ва фарзандлари учун мевалар аралашмасидан турли хил тансиқ таомларни тайёрлаши мумкин. Сизга тавсия қилмоқчи бўлганимиз олхўри дўлмаси таъбингизга жуда ҳам ёқади, деган умиддамиз.**

Олхўрининг йирик меваларини танлаб олиб ювиб юборгач, қовун сўйганга ўхшаб тилик тортасиз ва данагини олиб ташлайсиз. Янги қўй гўштини қиймалагичдан икки марта ўтказиб туз сепасиз-да, олхўрилар орасига тўлдириб чиқасиз. Тубига ликопча қўйилган идишга териб, устидан ликоб ёпиб, юк бостирганингиздан кейин масаллиқнинг юзи баробар сув қуйиб жуда паст оловга қўйиб, қайнаб чиққанидан сўнг яна милтиратиб пиширасиз.

Ҳар бир киши учун алоҳида ликопчага 8-10 донадан олхўри дўлмадан солиб, юзига сариёғ суртган ҳолда дастурхонга тортасиз. Қарабсизки хушхўр таом дастурхонингиз кўрки сифатида иштаҳангизни очади.

Масаллиқ учун: 2кг. йирик олхўри, 400 гр ёғли қўй гўшти, таъбга кўра туз ва юзига суриш учун 50 гр. сариёғ керак бўлади.

**Миллий маданиятимиз ривожига йўналтирилган ва фаол ривожланаётган суратчилик санъати замонавий дунё бадиий жараёнининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Ҳозирда, мамлакатимизда, сураткашлик санъати тарихига оид жуда кўплаб адабиётлар, услубий ва бадиий ўқув қўлланмалари чоп этилмоқда. Уларда эса мамлакатимизда ушбу соҳанинг ривожланишига ва янада тараққий этишига муҳим аҳамият қаратилмоқда.**

Санъат

# СУРАТКАШЛАР ЮТУҚЛАРИ ЭЪТИБОРДА



Шаҳримизнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон Бадиий академияси «Тошкент Фотосуратлар уйи» бу борада самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Мазкур даргоҳ, истиқлол шарофати билан, 2005 йилнинг ноябрь ойида ташкил қилинди ва бугунги кунда, ушбу жанрнинг етакчи усталари, уларнинг ижодий ва бадиий фотография соҳасида эришган ютуқларини, ижодий меросини кенг тарғиб қилиб келмоқда.

Бу ҳақда Тошкент Фотосуратлар уйи директори Шаҳноза Каримбобоева шундай дейди: — Тошкент Фотосуратлар уйи, ўзбек миллий услубига хос бадиий суратчилигини, миллий суратчилигимиз ҳақидаги маълумотларни, Ўзбекистон усталарининг ижодий меросини нафақат шаҳримиз ва республикамиз, балки дунё миқёсида кенг тарқалишига кўмаклашиб келмоқда. Шунингдек, республика ва шаҳар доирасида ўтказиладиган кўргазма ва фестиваллар, турли хил танловлар, аукцион ва бошқа жуда кўплаб тадбирларни ўтказишда муҳим ҳисса қўшмоқда. Бинобарин миллий ва хорижий сураткашлик санъати электрон каталогларини ташкил қилиш ва ахборот маркази компьютер архивини ва видеофонотекларни янада тараққий эттиришдаги ҳиссаси салмоқлидир. Яна шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, муассасамиз нафақат сураткашлик борасидаги ишларни, балки машҳур рассомларимиз ва ёш иқтидорли қалам соҳибларининг ижодий кўргазмаларини, чет эл рассомлари ижодини тарғиб қилишда ҳам асосий ўрин эгаллайди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда, пойтахтимизнинг 2200 йиллиги юбилейи муносабати билан ҳам кўплаб кўргазмаларни, турли учрашувларни ташкиллаштирдик. Ҳар бир ижодий жараёнда сураткашлик санъатининг нозик ва нодир миллий жиҳатларига, анъана ва қадриятларимизни қамраб олганлигига эътибор қаратдик. Ўтган тўрт йил давомида кўплаб ёш ижодкорларни кашф этдик ва уларнинг ижодига ҳам кенг йўл очиб бердик.

Шунингдек, ўзбек миллий услубига хос бадиий суратчиликни дунё миқёсида кенг тарқалишига кўмаклашиш, ўзбек халқини ҳамда хорижлик меҳмонларни, сайёҳларни миллий ва жаҳон фотосуратининг юксак намуналари билан таништириш, суратчилигимиз ҳақидаги маълумотларни бутун дунёга тарғиб қилиш, ёшларнинг бу соҳадаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, суратчилик санъатини тарихий амалий, ижодий ва назарий ўрганиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш борасида ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда.

Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги муносабати билан Тошкент Фотосуратлар уйи директори Шаҳноза Каримбобоеванинг «Дўстлик» ордени билан мукофотланиши наинки унинг шарафли меҳнатига, балки ушбу даргоҳда олиб борилаётган самарали ва хайрли ишларга берилган юксак баҳодир.

Зеро, ҳар қандай эзгуликка йўғрилган, яхшиликка хизмат қиладиган намунали иш доимо ўз мукофотини топади.

**Ойдин ИБРАГИМОВА**

**СУРАТДА: Тошкент Фотосуратлар уйида**

---

**Франциянинг Динь-ле-Бэн шаҳрида ҳар йили ўтказиладиган Халқаро Лаванда ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда кўплаб хорижий давлатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО қошидаги доимий ваколатхонаси кўмагида мамлакатимиз амалий ва тасвирий ижодкорларининг санъати ҳам муносиб тақдим этилди.**

# ЎЗБЕКИСТОН «ЛАВАНДА ЯРМАРКАСИ» КЎРГАЗМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси стендида халқ амалий ва тасвирий санъати кўргазмаси ташкил этилиб, унда хусусан, сопол буюмлар, ўймакорлик ишлари, миллий наққошлик, терига ишланган суратлар, миниатюралар, сўзана каби кўплаб санъат маҳсулотлари намойиш этилди.

Франциянинг етакчи оммавий ахборот воситалари кўргазманинг Ўзбекистонга бағишланган қисмини кенг ёритишди. Жумладан, мамлакатимизнинг тарихий ва маданий меросига, юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди. Мамлакатнинг ҳудудий бўлинмалари радиоканаллари орқали Ўзбекистон ҳақида махсус эшиттиришлар берилди.

Тадбир доирасида шунингдек Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва иқтисодий салоҳияти тақдимоти ўтказилиб, унда Франциянинг расмий, ижтимоий-сиёсий, маданий доиралари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди. Йиғилганларга Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва янгиланишлар, иқтисодиётни либерализация қилиш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, кафолатлар ва имтиёзлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Тақдимот давомида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда амалга оширилаётган изчил демократик ислоҳотлар, шунингдек жорий йилнинг апрель ойида Тошкентнинг 2200 йиллиги ЮНЕСКО бош қароргоҳида нишонланганига бағишланган ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Ўзбекистоннинг кўргазмадаги иштироки унга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди. Кўргазма ташкилотчиларининг маълумотига кўра, бу йил Ўзбекистон стендига 25 мингдан зиёд одам ташриф буюрди.

“Бу жуда ажойиб кўргазма! Ўзбекистон – ўзининг кўпқиррали бой маданияти, шунингдек бутун дунёга донғи кетган меъморий ва тарихий ёдгорликлари билан мени доимо ўзига маҳлиё этган мафтункор мамлакат”, деди Марсель шаҳридан кўргазмага келган санъатшунос Рушан Вильпен хоним. — Айни пайтда бу гўзал диёрга сафар қилишга менинг имкониятим йўқ, аммо яқин келажакда ўз орзуимни рўёбга чиқара олишга ва Ўзбекистоннинг афсонавий шаҳарлари – Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентни ўз кўзим билан кўришга ва улардан завқ олишга умид қилиб қоламан”.

Лилль шаҳридан келган Моник Ляльмон хоним ўз таассуротлари ҳақида гапириб, жумладан шундай деди: “Мен дунёнинг турли мамлакатлари санъат намуналаридан баҳра олиш мақсадида “Лаванда ярмаркасига” келдим. Бу ерда Ўзбекистон амалий санъати кўргазмасини кўриш мен учун кутилмаганда улкан ва ажойиб совға бўлди. У Шарқнинг қимматбаҳо дуру жавоҳирлари билан тўлдирилган нафис сандиқчани ёдимга солди. Кўргазмага қўйилган Ўзбекистон халқ санъати намуналари ушбу тадбирга келувчиларни ўзига мафтун этади. Мазкур кўргазма шарофати билан Ўзбекистон пойтахти бу йил ўзининг 2200 йиллигини нишонлаганидан воқиф бўлдим. Бундай узоқ ўтмиш ҳақида эшитиб, беихтиёр ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Ушбу юбилей сана муносабати билан Тошкент аҳолисини самимий қутлайман ва уларга янада равнақ тилайман”.

“Лаванда ярмаркаси” бош директори жаноб Бернар Тессье Ўзбекистон стенди ҳақида қуйидаги фикрларни билдирди: “Биз бу йилги кўргазмамизда Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО қошидаги доимий ваколатхонаси томонидан ташкил этилган Ўзбекистоннинг ажойиб стендини қабул қилганимиздан жуда бахтиёрмиз. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон билан бизни ўзаро иқтисодий муносабатларнинг ривожи билан бир қаторда, биз учун ниҳоятда муҳим бўлган энг самимий инсоний муносабатлар боғлаб туради.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг миллий байрами – Мустақилликнинг 18 йиллиги муносабати билан халқингизга тинчлик ва тараққиёт тилайман, шунингдек мафтункор юртингиз пойтахти аҳолисини Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан самимий қутлаб, уларга барча эзгу тилакларимни изҳор этаман”.

**«Жаҳон» АА**

---

Спорт янгиликлари

# ПЕШҚАДАМЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ

**Футбол бўйича мамлакатимиз XVIII миллий чемпионати 21,25-турларнинг айрим учрашувлари бўлиб ўтди.**

Фарғонада 21-турнинг «Нефтчи» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида уюштирилган учрашувнинг шиддатли ва кескин курашлар остида ўтишини кўпчилик тахмин қилганди. Лекин, бу сафар мезбонлардан маҳорат бобида устунлик қилган Виктор Жалилов бош мураббийлигидаги «Пахтакор» жамоасига омад кулиб боқди. Иқтидорли ёш ҳужумчи Фарҳод Тожиев ҳамда легионер Дарко Маркович томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган голлар тошкентликларга 2:0 ҳисобидаги ғалабани тақдим этди.

Шунингдек, ушбу турнинг «Динамо» — «Навбаҳор» жамоалари ўртасида уюштирилган баҳс майдон эгаларининг 2:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

25-турнинг «Бунёдкор» — «Хоразм» жамоалари ўртасидаги беллашув айрим объектив сабабларга кўра муддатидан аввал ўтказилди. Ҳужумкор, тезкор, комбинацион ўйин намойиш этган майдон эгалари меҳмонлар устидан 5:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Дарвозаларга голларни «Бунёдкор»дан Солиев (3та), Ривалдо, Каримов, «Хоразм»дан Қурбонбоев йўллашди.

# САФАРДАН ҒАЛАБА БИЛАН

**Халқаро турнирларга жиддий ҳозирлик кўраётган Марат Кабаев бош мураббийлигидаги 19 ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари Бирлашган Араб Амирликлари яшил майдонларида ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этишди.**

Шуниси қувонарлики, машғулотлар давомида ёшларимиз Бирлашган Араб Амирликлари ёшлар терма жамоаси билан икки марта назорат ўртоқлик учрашувида куч синашишди.

Руҳий ва жисмоний жиҳатдан араблардан устунлик қилган Марат Кабаев шогирдлари дастлабки беллашувни йирик 5:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди. Асосан мезбонлар дарвозаси остида кечган баҳсда ҳамюртларимиздан голларни Темурхўжа Абдухолиқов (2та), Мирғиёс Сулаймонов, Исроил Эргашев, Дмитрий Кузин йўллашди.

Куни кеча араблар билан ташкиллаштирилган иккинчи учрашув эса анча кескин ва шиддатли курашлар остида ўтди. Мағлубият аламини тотиб кўрган мезбонлар ҳам ҳамюртларимизга муносиб қаршилик кўрсата олишди, меҳмонлар дарвозасига кўп марта хавфли ҳужумлар уюштиришди. Бироқ, яна тажриба, маҳорат устунлик қилди. 90 дақиқа давомида ҳамюртимиз Исроил Эргашев томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган ягона гол ўйин охиригача ўзгармай қолди ва беллашув ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан якунланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

---

# ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

### ҲАЗРАТ АЛИ

**Кунлар – умрларингиз дафтари. Уларни энг яхши амалларингиз билан абадий айланг.**

* * *

**Инъомингни унут, ваъдангни ёдингда тут.**

* * *

**Насибанг учун ризқингдан рози бўл, эҳтиёжсиз яшайсан.**

* * *

**Гарчи фақир бўлса-да меҳмонингни иззат қил, агар султон бўлсанг-да отанг ва устозинг ҳурмати учун ўрнингдан тур!**

* * *

**Ҳақиқатнинг аччиқлигига сабрли бўл, зинҳор ёлғоннинг ширинига алданма!**

* * *

**Ёмон дўст билан ўтириб-турмагилки, ҳамдамини ерга уради, ҳамроҳини хор қилади.**

* * *

**Арзимаган нарсага умрингизни беҳуда сарф қилманг, зеро ўтган умр қайтмайди.**

* * *

**Эзмаликни ташланг, кимки эзма (маҳмадона) бўлса, гуноҳи кўп бўлади.**

* * *

**Чақимчидан йироқ бўлинг, ўртага низо солади.**

* * *

**Эҳсонда миннатдан қочгил, миннат эҳсонни яксон қилади.**

* * *

**Билинг, савол берилган одам жавобини билмаса, “билмайман”, демоқни гуноҳ деб ҳисобламасин.**

* * *

**Омонатни сақлаш энг гўзал иймондир.**

* * *

**Ҳасадчи – халойиқ орасида энг оғир тирикчилик қилувчи.**

* * *

**Чин адоват сақловчи кўнгил – энг чиркин кўнгил.**

* * *

**Мақтовда ҳам, таҳқирлашда ҳам ҳаддидан ошмоқ — аҳмоқлик.**

* * *

**Одамларга кўпроқ нафи тегадиган киши энг яхши кишидир.**

* * *

**Сирни ошкор қилмоқ – вафосизликнинг энг оғир кўриниши.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

---

# «02» ХАБАРЛАРИ

● Сергели туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Рустам, соат 08.00 дан 12.00 гача бўлган вақт оралиғида, калит танлаш йўли билан Яккасарой туманида яшовчи Зубайданинг уйидан 400 АҚШ доллари ва 25.000 сўм пулини ўғирлаб кетганлиги маълум бўлди.

● Ҳамза туманида соат 00.30да корхона ишчиси, Тошкент вилоятида яшовчи Алишер исмли шахс қулфини синдириш йўли билан, ўзи ишлаётган корхонага қарашли омборхонадан асбоб-ускуна жиҳозларини ўғирлаб, жами 562.300 сўмлик моддий зарар етказган. Кўрилган чора- тадбирлар натижасида у ИИБК ЖҚ ва ТҚКБ тезкор ходимлари томонидан ушланган.

● Учтепа туманида соат 01.00 лар чамаси, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган, Чилонзор туманида яшовчи Евгений жиноий шериги, шу туманда яшовчи Олег билан бирга тил бириктириб, калит танлаш йўли билан, Учтепа туманида яшовчи Гулмирага тегишли 250.000 сўмлик «LG» русумли телевизор, «Минск» русумли музлатгичини ўғирлаб, жами 500.000 сўмлик моддий зарар етказишган.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

● Миробод тумани ҳудудида тезкор ходимлар томонидан олиб борилган қидирув тадбирлари натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган, шу туманда яшовчи Арсен таниши, ишламайдиган, шу туманда яшовчи Валерага 20.000 сўм пул эвазига 0,0596 грамм «героин» гиёҳванд моддасини сотаётганида қўлга олиниб, ушбу гиёҳванд модда тортиб олинди. ИИББ Эксперт криминалистика марказининг хулосасига кўра ушбу модда ҳақиқий героин экани тасдиқланди.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-модда, яъни «Гиёҳванд воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда ҳаракатлар қилиш” моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

**Юлдуз АШИРОВА,**
**майор, Тошкент шаҳар ИИББ ИХҲҚ ва ЮТ бўлими матбуот маркази катта инспектори.**

---

**Ҳурматли тадбиркорлар!**

Тошкент шаҳар адлия бошқармасида 2009 йил 18 сентябрь куни соат 11.00 дан 18.00 га қадар «очиқ эшиклар» куни ўтказилади.

Сизлар «очиқ эшиклар» куни тадбирида ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича оғзаки ва ёзма равишда мурожаат этишингиз мумкин.

**Маълумот учун телефон рақамлари: 262-92-42, 269-14-45**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 2810 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 345

Буюртма Г- 806

Топширилган вақти: 12.45